



Normurod Avazov,

Independent researcher of the Tashkent State University of Law

**“Kitobat ul-Atfol” by Behbudiy as the first source of jurisprudence
(Defeating coronavirus with science)**

Abstract: The article deals with the analysis of the object of the research on “*Kitobat ul-Atfol*” by Behbudiy. The work was written early in the 20th century, and it has been studied as the first source on clerical work in the history of Uzbek statehood.

Key words: the history of documentation, clerical work, teaching using the new methods, supporter of development, law, regulations

Нормурод Авазов,

самостоятельный соискатель

Ташкентского государственного юридического университета

**ПРОИЗВЕДЕНИЕ БЕХБУДИЙ «ДЕЛОПРОИЗВОДСТВО ДЛЯ ДЕТЕЙ» КАК
ПЕРВОИСТОЧНИК ПРАВИЛ ДЕЛОПРОИЗВОДСТВА В ИСТОРИИ
ПРАВОВЕДЕНИЯ
(Победим коронавирус наукой)**

Аннотация: в статье в качестве объекта изучения проанализировано произведение М.Бехбудий «Делопроизводство для детей». Это произведение опубликовано в начале 20 века и в истории узбекской государственности использовалось в качестве первоисточника при изучении правил делопроизводства. Важность данного пособия заключается в том, что соискатель использует для обучения учащихся примеры делопроизводства, взятые из первоисточника. То есть отражаются примеры и правила оформления отношений между родителями и детьми, долг перед родителями, права детей, требования к оформлению писем и обращений в органы самоуправления, справок, объяснительных, правила предоставления документов для получения гражданского и заграничного паспорта, аттестатов зрелости и т.д. В свое время подобные примеры из сферы делопроизводства были востребованы в органах самоуправления. Данные вопросы тщательно изучены и проанализированы соискателем.

Ключевые слова: История документоведения, делопроизводство, новая методика обучения, просветитель, нормы и законы.

Нормурод Авазов,

Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси

БЕҲБУДИЙНИНГ “КИТОБАТ УЛ-АТФОЛ” АСАРИ ҲУҚУҚШУНОСЛИК ТАРИХИДА ИШ ЮРИТИШ ҚОИДАЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАМУНАСИ СИФАТИДА

(Илм билан коронавирусни енгамиз)

Аннотация: мақолада ўрганиш объекти сифатида М. Беҳбудийнинг “Китобат ул-атфол” асари таҳлил қилинади. Ушбу асар XX аср бошида яратилган бўлиб, ўзбек давлатчилиқ тарихида иш юритиш қоидаларининг дастлабки манбаси сифатида ўрганилган. Қўлланмадаги ҳужжат юритиш қоидаларидан намуналарнинг берилиши, уларнинг ўқувчига биринчи манба сифатида тақдим этилганлиги билан аҳамияти катта. Яъни манбада ота ва онанинг болаларга муносабати; ота-она олдидagi бурчи; болаларнинг ҳуқуқлари; хат ёзмоқнинг қоидалари ва шартлари; маҳаллий ҳокимиятга ариза ёзиш; маълумотнома; тасдиқнома; мамлакат фуқаролиги учун ва хорижий паспорт бериш; шаҳодатнома; тилхат каби ҳужжат намуналарининг ёзилиш тартиби ва қоидалари ўз аксини топган. Бу намуналар айти пайтда маҳаллий ҳокимият тизимида иш юритиш соҳасида қўл келган, албатта. Тадқиқотчи томонидан булар синчиковлик билан ўрганилган.

Калит сўзлар: ҳужжатчилик тарихи, иш юритиш, янги усулда ўқитиш, тариққийпарвар, қонун-қоидалар.

Бугунги кунда бутун дунёда таҳликали жараёнлар кечмоқда. Инсонларнинг соғлигига нисбатан бўлаётган коронавирус хуружи орқали ер шарида фуқароларимизнинг тинчликлари бузилган. Бу бизнинг Ўзбекистон ҳудудида ҳам ўз таъсирини ўтказиб турибди. Давлатчилик тарихидан маълумки, бизнинг тараққийпарварларимиздан М. Беҳбудий, А. Фитрат, Мунаввар қори, Ф. Хўжаевлар XX аср бошларида бундан ҳам оғир кунларни бошларидан кечирганлар. Шунга қарамасдан миллатимизни қутқариш учун бор кучларини аямаганлар, ёруғ йўлларни кўрсатганлар. Келажак авлод учун фойдали асарларини қолдириб кетганлар. Айти пайтда биз бўш ўтирмасдан, иш усулларимизни ўзгартириб, улар қолирган меросни ўрганиш, улар бўйича ўқувчиларга етказиш бурчимиз ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қўйида тараққийпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг асарини тадқиқ этишни лозим деб топдик.

Давлатчилик тарихида мавжуд қоидаларга асосланган манбаларни ҳисобга олмасдан, уларни тарихий тажрибасидаги ижобий ва салбий жиҳатларини чуқур илмий таҳлил қилмасдан, ҳозирги давлат бошқарувидаги ислохатларнинг моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниш ва баҳолаш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз тарихий қимматга эга бўлган асарларини ўрганиш ва уларни келажак авлодларга етказиш борасида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, XX аср бошларида давлатчилик тарихида яратилган асарлар бугунги кунда ҳам ўзининг қадрини ва қимматини юқотган эмас.

Шундай асарлардан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий томонидан ёзилган “Китобат ул-атфол” (Болалар учун иш юритиш) китоби 1908 йили Самарқандда нашр қилинган. Инқилобгача икки марта чоп этилди. Иккинчиси 1914 йилда қайта чиқарилган. У ўзбек ва форс тилларида ёзилган [1].

“Китобат ул-атфол” китоби Беҳбудий томонидан XX аср бошларида усули жадида мактабларига иш юритиш қоидаларини ўргатиш мақсадида яратилган янги усулдаги

услугий қўланма ҳисобланади. У XX аср бошида Туркистон ўлкасида давлат бошқарувида ва ҳужжат юритиш соҳасида ислоҳатларни амалга ошириш нуқтаи назаридан тузилган.

Қўлланмада ҳужжат юритиш қоидалари ўз аксини топган бўлиб, яъни ота ва онанинг болаларга муносабатлари; ота-она олдидagi бурчи; болаларнинг ҳуқуқлари; хат ёзмакнинг қоидалари ва шартлари; маҳаллий ҳокимиятга ариза ёзиш; маълумотнома; тасдиқнома; мамлакат фуқаролиги учун ва хорижий паспорт бериш; шаҳодатнома; тилхат каби ҳужжат намуналарининг ёзилиш тартиби ва қоидалари ўз аксини топган.

Шуни айтиш лозимки, тарққийпарвар М. Бехбудий ушбу қўлланмани усули жадида мактабининг охириги босқичи учун мўлжаллаб ёзган эди. Чунки, Бехбудийнинг таъкидлашича, усули жадида мактабини тамомлаган ўқувчи барча замонавий фанларни эгаллаш билан бир қаторда Туркистон ўлкасида тижорат ишлари билан шуғулланиши, мирзо сифатида ишларини амалга ошириши, ўлканинг бўлиснойхоналарида, идораларида ишлаши мумкин бўларди. Бу қўлланма асосан ўқувчига мавжуд идора ва органларда иш юритиш қоидаларидан сабоқ беришга мулжалланган эди.

Айни пайтда муаллиф китобни нашр этишдан мақсадини ҳам айтиб ўтади. Яъни: **“Биз ҳам шул қоидага биноан мажмуаи китобат ва ишшо” унвонида авлоди ватан учун расмий ва хусусий ҳамда Туркистоннинг шаръий ва миллий маҳкамаларина маъмул(амалдаги) барча васойиқ(восиқалар), ҳужжату ва билжумла мусулмон волоснўйи управители (ноҳия мудири) ҳузурида бўладиган дознония, протокул, қабоҳатнома ва расмий ҳар нав мактубларни мухтавий(ўз ичига олган) бир неча жуздан мураккаб бир асар таҳрир ва нашр этмоқ амалинда эдук. Шу мақсадга ушбу “Китобат ул-атфол” нашири ила шуруъ этдим. Матлабимизнинг асоси болалар ва барча талаба тоқатинча, тавҳиди лисон(тил бирлиги), таъмим(ёйиш) ва тафҳими(тушунтириш) мактуботи туркия ва форсиядан иборатдур”.**

Бехбудий қўлланманинг ушбу кириш сўзида ёзган мақсаддан, қолаверса асарнинг тузилишидан ҳам маълум бўладики, муаллиф айни пайтда давлат бошқарув идоралари учун иш юритувчилар, бошқарувчилар, маҳаллий ҳудуд раҳбарлари, раҳбарият таркибида олиб бориладиган суриштирувлар, давлат идоралари учун мажлис баённомалари, идоралар ўртасида ёзиладиган хатларнинг мазмуни, барча фуқаролик ҳолатлари билан боғлиқ расмий ёзишмалар каби юридик ҳужжатларнинг намуналарини замонавий авлод мутахассисларини тайёрлаш ниятида амалга оширган.

Махмудхўжа Бехбудий “Китобат ул-атфол” қўлланмасида қўйидаги йўналишларни урганиб, ўқиб, амалий жиҳатдан кўрамыз:

1. Иш юритиш соҳасидаги барча йўналишларда “хат ёзмакнинг шартлари”;
2. Хат ёзиш усуллариининг одоби ва маданияти;
3. Иш юритиш ҳужжатларида тиниш белгиларнинг қўлланилиши қоидалари;
4. Шахсий хат ёзиш қоидалари;
5. Идораларга хат ёзиш тартиблари;
6. Ота – онага хат ёзмак тартиблари;
7. Фарзандга хат ёзмак тартиблари;
8. Дўстига хат жунатмоқнинг услуги;
9. Қариндошга хат ёзмакнинг тартиблари;
10. Фуқарони тасдиқловчи паспорт бериш тартиблари;
11. Тасдиқнома ёзиш қоидалари;
12. Шаҳодатнома ёзиш қоидалари;
13. Ишончнома ёзиш тартиблари;

14. Ариза ёзиш қоидалари берилган.

Қўлланмадаги иш юритишнинг “Хат ёзмоқ шартларида” унинг ўн саккизта қоида келтирилади. Ёнг аввало иш юритувчи маълум бир масалада хат ёзиши зарур бўлганида, ушбу истайдиган масаласини англаган, ўзи яхши тушунган бўлиши зарур. Хат ёзувчи хатнинг мазмунида яъни текстида ўзи билмайдиган, тушунмайдиган сўзларни киритмаслиги айтилади.

Муаллиф иш юритишда сўзнинг қудрати, сўзнинг муҳимлигига алоҳида эътибор қаратиб, ҳар бир сўзни ўз қоида, ўз имлоси бўйича ёзиш талаб этилиши кўрсатилади. Хатни шахсий фуқароларга бўлсин, идораларга бўлсин уни мулоҳаза қилиб, унинг етиб борганида олувчига ўз таъсирини ўтказишини ўйлаб, фаҳм билан юбормоқ мақсадга мувофиқ, дейилади.

Шахсий хат ёзилганда ёки идорага хат ёзилганда унинг айбини юзига солиб, яъни кўрлигини, қарлигини, ўғрилигини, ичувчилигини қолаверса, барча ёмон ҳислатларини айтиб ёзмоқ таъқиқланиши белгиланган. Қўлланмада қайд этиладики, агарда ёзилиши лозим бўлган ҳолатлар яъни суднинг ҳукмлари бўлса бундан мустасно эканлиги ҳам киритилган.

Иш юритиш китобида хат ёзишнинг қоидалари сифатида юбориладиган хат мазмунида ўзи тушунгани билан бошқалар тушунмайдиган, кўчада қўлланиладиган жаргон сўзлар, кўчада қўлланиладиган бошқа атамалар, айб деб қараладиган сўзлар, ҳар хил лақаблар ҳам ёзилиши таъқиқ сифатида кўрсатилади. Бундан ташқари, юритилаётган ёзишмаларда халқ орасида унутилиб кетган, эски сўзлар, қўлланмаётган атамалар атайлаб ёзишмаларга киритилиши нотўғри эканлиги тушунтирилади. Қолаверса, айни пайтда ўқувчини зеҳнини тушуриб юбориши, ҳаловатини бузиши, уни ташвишга қўйиши мумкинлиги айтилади.

Беҳбудий ҳар доим тил масаласига алоҳида эътибор қаратган. Унинг “Тил масаласи”, “Икки эмас тўрт тил лозим” [2] каби илмий мақолалари шулар жумласидандир. Ушбу муносабатлардан келиб чиқиб, хат ёзиш қоидаларида ҳам тилга эътибор масаласи алоҳида ажралиб туради. Айтиладики, ёзишмаларда ўз тилингда ёзиладиган сўзлар, иборалар ўрнига русча ёки хорижий бошқа тилларда қўлланиладиган сўзларни, ибораларни қўллаш, ишлатилиш мумкин эмас.

Қўлланма қоидаларида идораларга ёзилаётган хатлар кам сўз, серъмано ва ихчам тарзида билдирилиши талаб қилинади. Ёзилган хатларни, мақолаларни мутахассисга, ўз муаллимига ёки аҳли дўстига кўрсатиб, камчиликларни билмоқ жоиз, дейилади. Бундан ташқари, ёзилаётган мақолада, хатларда жойларнинг номлари, маҳаллаларнинг, шаҳарларнинг номлари аниқ ҳолда ёзилиши, қайд этилиши билдирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизлиги қоидаларда билдириладики, яъни инсон ҳаётда ҳар хил кайфиятларда бўлганлиги муносабати билан у ғзабли пайтида, хафалик вақтларида ёзилаётган хатларни амалга оширмаслиги таълаб этилади. Яъни хурсандлик, ҳолати муътадил пайтларда иш юритиш масалаларини ҳал қилиш, хатни бажарганидан кейин албатта қайта ўқиб кўриб жўнатиш мақсадга мувофиқ бўлишлиги ёзилади.

“Китобат ул-атфол” (Болалар учун иш юритиш) қўлланмасида ёзилган қоидалар бўйича мактуб, хатларда таъна, ҳазил, фисқ, гуноҳга таллуқли сўзлар, иборалар умуман келтирилмаслиги белгиланади.

Қўлланманинг иккинчи йўналиши бу – ёзиладиган хатларнинг турлари берилади. Яъни, хатлар биринчидан, хусусий. Иккинчидан, умумий хатларга бўлинади. Муаллифнинг таърифига кўра, хусусий хатлар икки киши орасида ёзиладиган муносабат хатларидир.

Манбада хусусий хатларнинг ҳам одаби кўрсатиб берилади. Яъни, хат ёзадиган фуқаронинг исми, мансаби, муддоси каби сифатлари кўрсатилади.

Ўзбек давлатчилиқ тарихида юридик тил, ҳуқуқшуноснинг одоби, ахлоқи, унинг иш юритиш соҳасидаги қоидалари мавжуд асарлар ичида “Китобат ул-атфол” алоҳида ажралиб туради. Унда тиниш белгиларни ҳам ўзига хос номланишлари ўрин эгаллаган [3]. Жумладан, сўроқ белгисини аломати савол; ундов белгисини аломати нидо, таажжуб хитоб; тере эса, икки сўзни фарқ қилатургон аломат; баробар эса, иккиси бир поғонада; вергул эса, озгина турмоқ учун; икки нукта эса баён ва тафсил учун; кўп нуқталар эса, нотаомом сўзлар; сўзнинг охири ёки вақфи том аломати каби атамалар билан берилганлигини кўрамыз.

“Китобат ул-атфол” ҳуқуқшунослик соҳасида иш юритиш бўйича қўлланма ҳисобланиб, айти пайтда жадиладар мактабида дарслик сифатида фойдаланилган. Унда ҳуқуқий тарбия усуллари мужассамлашган. Яъни матнлар, хатлар, иш юритишга оид таҳлиллар берилганки, булар ўқувчини, талабаларни тарбиялаш ва ўз ҳуқуқларини англашида алоҳида восита ҳисобланади. Қўлланмада берилган матнларда ҳуқуқий тарбиянинг юқори даражада қўлланганлигини кўрамыз.

Қўлланманинг кейинги йўналишида хусусий хатларга ва расмий хатларга алоҳида-алоҳида амалий мисоллар келтирилган. Берилган хатлар юқорида кўрсатилган ўн саккизта талаб қоидалари асосида ёзилган бўлиб, ҳуқуқий ахлоқ ва одоб номуналарининг типик кўринишларига мисоллар бўлади. Жумладан, “Улуғ тангрим оти ила меҳрибон отажоним хизматлариға”, “Сабаби вужуду саодатим падари бузруквор ҳузурлариға”, “Севикли онам ҳузури шарифлариға”, “Жаноби устози киромим ҳузури анварлариға”, “Дўстим ва маънавий оғам”, “Нури чашмим суюкли ўғлим”, “Нури чашму қуввати дилам, фарзанди азизам”, “Ҳосили ҳаётим севикли ўғлим”, “Боиси иззатим қиблагоҳим, валенеъматим отам хизмати шарифлариға”, “Сиддиқи муҳтарам жоний биродарам” каби сарлоҳаларнинг ўзидан ҳам кўриниб турибдики, қўлланилган ҳар бир атама нақадар ахлоқ ва одоб нормаларининг юқори кўриниши ҳисобланади. Фуқароларнинг ўз эрки ва ҳуқуқларини англашида ҳам мана шу муносабатларнинг таъсир кучини кўрамыз. Шу тарбия натижасида фарзандлар, ўқувчилар, талабалар шаклланади. Эътибор беринг: “*Сабаби вужуду саодатим падари бузруквор ҳузурлариға*”. Бу отага фарзанд томонидан юборилаётган хусусий хатнинг муқаддимаси. Ҳар бир сўз фарзанднинг отага бўлган меҳр – муҳаббатини ифодалайди. Яъни, менинг дунёга келишим, менинг эрк ва борлигим шаклланиши, ҳаётга йўл олишим, саодатга боришим, эркин ва ҳур бўлишим, ҳуқуқларга эга бўлишим сабабчиси ота олий мартабали инсон сифатида ўқувчига сингдирилади. Фарзанд отага мурожаат қилар экан, отани ўз ҳуқуқининг ҳимоячиси, ўз эркинлик ва ҳуқуқлари паймол бўлишининг олдини олувчи таянч инсон сифатида қарайди.

Қўлланмада берилган хусусий хатларнинг ичида ўғилнинг онасига ёзган мактубига эътибор қаратамиз: “*Муҳтарама исматлик онажоним! Оллоҳи таолодан доим тиларманки, умрингиз кўп йиллар узайиб, шафқатингизни биздан эксик этмагай. Муборак қўлларингизни ўпуб маълум қилурманки, алҳамдулиллоҳ меҳрибон хола – тезам ҳавлисинда туриб, мактабга бориб, ўқумоққа машғул ва таним сиҳатдур. Мушфиқа тезам сизга салом айтадур. Ийди саъиди фитр яқин келди. Рухсат берсангиз, ийд кунлариға хизматингизга ўткармоқ учун борсам? Агарда ҳайт кунлариға ҳам бунда турмоқимга фармойишингиз бўлса, иноятингиздан беш-ўн танга харижий умидвордурман. Муборак байрам ўтгандан сўнг китоблар олмоқга ҳам оқча керак бўладур.*

Муҳаббатлик қариндошларимга бандангиздан салом еткурсангиз қувонарман. Боқий марҳамат ва дуонгиздан умидвордурман”.

Мактуб орқали муаллиф кулланмада меҳр – оқибат, ҳуқуқий тарбияни тимсол сифатида қўллайди. Мўтабар онанинг хизматини, ҳурматини, ҳуқуқини ўз жойига қўйиш энг юқори муносабатлардан бири сифатида берилади. Яъни, *муборак қўлларингизни ўпиб маълум қилмоқ, байрам кунда ҳам она хизматида бўлмоқ, қолиш тўғрисида фармойиш бўлса, қолмоқ* каби муносабатлар инсоннинг инсонга бўлган қадр – қимматини белгилайди, ота-она ва бола маънавий ҳуқуқий тарбиясида муҳим рол ўйнайди. Бундай муносабатлар боланинг ота-онага, қариндошига, дўстига ва бошқа ошна-оғайниларига бўлган мактубларда ҳам бир – бирга бўлган ахлоқий – ҳуқуқий муроҷжатларни шакллантиради.

Қўлланмада ҳуқуқшунослик ҳужжатчилигига доир бир қатор манбалар берилган. Улар ўзбек ҳуқуқшунослик тарихида илк ҳужжатчилик намуналари ҳисобланади. Улар тасдиқнома, шаҳодатнома, уезд ҳокимига ёзилган расмий хат намунаси, икки киши ўртасида ёзиладиган тилхат, маълумотнома ва бошқа турли расмий намунавий – ҳуқуқий ҳужжатлардир. Мисол тариқасида оқсоқоллар Кенгаши берадиган ҳужжат намунасини келтирамиз:

“ТАСДИҚНОМА

19 феврал ойинда... уездини ...қишлоқини аҳли...ўзгга азбаройи Байтуллоҳ зиёратига бормоқ учун Маккайи мукаррамага (ёйинки Туркия ё Овропо мамлакатига) бориб келмоғига олти ойлик (хорижия мурури тазкира-зағроничний паспорт) берилмоғи мумкиндур. Мазкур киши ҳукм остига эмас ва они зиммасига подшоҳликга таъллуқ ундуролатурғон оқча йўқ ва ўзи боргунча рўзгор ва оилаига керакли нафақаси бордур...”.

Бундан шуни англаш мумкинки, зиёратга борадиган фуқаронинг чет эл паспортини олиши мумкинлиги ва унинг боришга лойиқ шахс эканлиги маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланмоқда. Тасдиқномада фуқародан ортиқча сарф-харажатлар талаб этилмаслиги, унинг оиласи кам таъминланган эканлиги, ортиқча даромади йўқлиги оқсоқоллар Кенгаши томонидан расмий равишда айтилиб, фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун унга расмий равишда тасдиқнома берди.

Тасдиқномадан шу нарсани кузатиш мумкинки, маҳаллий ҳокимиятга эътибор катта бўлган ва уларнинг ҳуқуқий тасдиғининг таъсир кучи кенгроқ бўлган. Яна мисол келтирамиз:

“ТАСДИҚНОМА

...шаҳарини...қитъасини, маҳалласини аҳли, ўзггаким мўтабар кишидур. Таппонча олиб юрмоғига ва ўзини ёмонлардан муҳофаза қилмоқ учун тасдиқнома бермоқ мумкиндур...қитъасини оқсоқоли...ўзгга ёйинки...шаҳарини катта оқсоқоли муҳрим босдим”.

Тасдиқнома – расмий ҳужжат. У ваколатли органлар, маҳаллий ҳокимият томонидан амалга оширилади. Тасдиқнома инсон тақдири билан боғлиқ ва улар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи қонуний кучга эга бўлган ҳужжатдир. Кўринаяпдики, тасдиқноманинг расмий кучи шундаки, у ҳатто айни пайтда шахснинг қурол олиб юриши мумкинлигига рухсат бериш ҳуқуқини маҳаллий оқсоқол томонидан амалга оширган.

Қўлланманинг кейинги саҳифаларида инсоннинг эрки ва манфаатлари нуқтаи назаридан қўлланилган ҳужжат намуналарини кўрамиз. Яъни фуқароларнинг иш юзасидан, оилавий шароити, маданий ҳордиқ чиқазиши юзасидан, фуқаронинг ўз эрки ва ҳуқуқини тиклаш каби ва бошқа масалаларни қамраб олган ҳужжатлардан мисоллар келтирилган. Жумладан, агар маҳаллада бирор шахс касалланиб қолса, касалхонага ёки узоқроқ жойларга даволаниш муассасасига юборилса, албатта, маҳалла оқсоқоли йўлланмаси билан жўнатилган. Масалан:

“ШАҲОДАТНОМА

...уездини ...вулусини, қишлоқини аҳли касал ё мажруҳ...ўғли ушбун ила касалхонага юборилди. Азбаройи анда ётиб даволанмоғи учун...вулусини волустной муҳрим бостум”.

Шаҳодатнома расмий – ҳукукий ҳужжат. Яъни унинг муқобил кўринишларини ҳозирги кунда ҳам мажуд деб айта оламиз. Бундай қоида айни пайтда маҳаллий ҳокимиятга берилганлигини кўрамиз. Яъни бугунги кунда соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан касалларга даволаниш учун бериладиган рухсатномадир. Иккинчидан, айни пайтда ҳам фуқаронинг манфаати ва ҳуқуқини ҳимоялаш борасида маҳаллий ҳокимият томонидан ўрнатилган тартиб ва қоида кўрсатилади.

Қўлланмада шахсий, икки фуқаро ўртасидаги ҳукукий характерга эга бўлган намунавий ҳужжатлар ҳам келтирилади. Шулардан бири **тилхатдир**.

“ИККИ КИШИ ЎРТАСИДА ЁЗИЛАТУРГАН САНАД

Тарих бир минг уч юзу ўттиз...нчи санайи...шаҳри шаввол, манким...шаҳрини...маҳалласини аҳли...ўғлидурман маблағ...сўм...ўғлидан қарз олдим (ё қирқ қадоқ чойни пули важҳидин қарздор бўдумки, талаб қилган вақтинда (ё уч ойдан сўнгра) берарман.

Рослигига муҳрим босдум.

Шоҳидлар...ўғли...ўғли”.

Кўринадики, амалий мисолларда ҳукукий ҳужжатчилик тарихида иш юритиш, фуқаролар ўртасида муносабатларни қонуний амалга ошириш лозимлиги кўринади. Муаллиф бу билан халқнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш борасида фуқаролар ўртасидаги муносабатларни ҳам тартибга солиш, қонунийлаштириш кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала эканлигини кўяди. Мухтасар қилиб айтганда, Бехбудий ўлка халқининг маънавияти ва маърифати ҳамда ўз ҳуқуқларини англаши учун барча имкониятларини ишга солган.

М.Бехбудий ижтимоий-сиёсий ва давлатчилик тарихида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига катта эътибор қаратди. У маърифат орқали саводли қилиш, у орқали инсон ҳуқуқларини тиклаш йўлидан борди. Зеро, XX аср бошларига келиб ўлка халқини маънавий-маърифий ва ҳукукий томонлама уйғотиш зарур эди. Ана шу масъулиятли вазифанинг бошида тараққийпарвар Бехбудий турганлигига гувоҳ бўламиз. Қўлланма ҳам XX аср бошларида Туркистон халқининг ҳукукий саводхонлини оширишга катта ҳисса қўшди. Айтиш керакки, “Китобат ул-атфол” фарзандларнинг ахлокий-ҳукукий тарбиясини ошириш; ёзма қонун-қоидаларга риоя этиш; шарқона қонун-қоидаларга риоя қилиш; болаларни инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари тамойиллари асосида тарбиялаш; фарзандларни ҳукукий саводхонлигини ошириб, қонун инсон қилиб тарбиялаш ғоясини илгари суради.

Бехбудий ўлка фарзандларини ҳар доим ўз ҳуқуқларини англашга чақирди. У халққа қарата: *“Бехуда сарфларга кетадиган харажатларни илмга сарфламоқ керакдур. Илм бизнинг омилимиз, идеалимиз, муродими, тилағими ва муддаоимиздир. Ҳозир барча кучни илм олишга қаратмасак забун бўлурмиз [4],* дейди.

Хулласки, Бехбудийнинг “Китобат ул-атфол” китоби ҳуқуқшуносликнинг манбаси сифатида тарихий-ҳукукий қимматга эга. У бир асрдан ошганлигига қарамадан ҳали ҳам ўз кучини йўқотган эмас.

Қўлланмани ва бошқа тадқиқотларни ўрганиш ва тадқиқ этиш орқали таҳликали даврдан ўтиб кетамиз, коронавирусни енгамиз.

References:

1. Behbudi M. Kitobat ul - atfol. Maxmudxo'ja Behbudi nashriyoti. - Samarqand, 1914. - B.18.
2. Maxmudxo'ja Behbudi. Tanlangan asarlar. "Ma'naviyat". - Toshkent, 2006. - B. 216-221.
3. Behbudi M. A'molimiz yoyinki murodimiz. "Oyina" jurnali, 1913 yil.- 7-son.
4. Avazov N. "Maxmudxo'ja Behbudiyning ijodiy merosi (manbalar)". Nomzodlik ilmiy darajasi uchun yozilgan dissertatsiya. - H.Sulaymonov nomidagi qo'lyozmalar instituti. - Toshkent, 1995.
5. Behbudi M. Ehtiyoji millat. "Samarqand" gazetasi, 1913 yil 12 iyul.

